*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 31 (8771). ● 11 февраль, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

*• Зарбдор ўн кунлик илғорларига тенглашинг*

*• 15 февраль—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги*

*• Чорвачиликка—доимий эътибор*

*КПСС XXVII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ*

## ЁШЛАРГА БОШ



Катта машинист Йўлдош Муслимовнинг одати шунақа. Сменани қабул қилиб олдими, энг аввал қозонтрубина участкасини, кейин бошқарув пултини диққат билан кўздан кечириб чиқади. Бу гал у улкан қозон олдида узоқ туриб қолди. Бир маромда айланаётган трубиналарга қулоқ тутди. Лекин негадир агрегатларнинг овози бугун ҳиёл бошқача эди.

— Сен ҳам эшитиб кўрчи, бегона товушни сезмаяпсанми?—деди у машинист Шуҳрат Бердибоевни чақириб.

Шуҳрат агрегатларга қулоқ тутиб ҳеч нарсани сезмагандек елка қисди. У ҳали ёш машинистлардан. Агрегатнинг овозига қараб ишига баҳо бера олмайди. Лекин Йўлдошнинг гумони тўғри бўлиб чиқди. Қозон ичидаги буғ трубаси дарз кетган экан. Мутахассислар келиб уни дарров аниқлашди. Шундан кейин ҳамма Йўлдошнинг сезгирлигига тан берди.

Йўлдош станция пойдеворига биринчи ғишт қўйганлардан. У корхонани ўз қўли билан қуриб, кейин шу ерда ишлай бошлади. Олдинига қозон ускуналари назоратчиси бўлиб ишлади. Меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан тезда кўзга кўринди. У кўп нарсага қизиқарди. Машинистлар ёнида узоқ вақт қолиб кетарди. Кейинроқ 12-энергоблокни ўзлаштиришда қатнашди. Шу ерда дастлаб машинист бўлиб ишлади. Кейин катта машинистликка кўтарилди.

У ниҳоятда муҳим ишни бажараётганлигини яхши биларди. Станция ҳосил қилаётган нур неча минглаб хонадонларни ёритмоқда, завод ва фабрикаларни ҳаракатга келтирмоқда. Шуни ҳис этиб ҳар бир агрегатнинг соз ишлашини таъминлар, носоз ишларнинг олдини олиб қолар эди.

Меҳнат қилган элда азиз деганларича бор. Йўлдошнинг хизматлари ҳам муносиб баҳосини ола бошлади. Дастлаб «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирланди. Кейинчалик Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотланди. КПСС XXV съездига делегат қилиб сайланди. Оддий машинист, оддий коммунистга билдирилаётган бундай ишонч унинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Яна ҳам яхшироқ меҳнат қилишга, агрегатларни тўла қувват билан ишлатишга ҳаракат қилди.

Кўп ўтмай Йўлдошнинг ташаббуси билан ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича қимматли ҳаракат бошланди. Катта машинист ўз коллективида ўтказган суҳбатларининг бирида электр энергия таннархини арзонлаштиришда ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланиш қанчалик катта роль ўйнашини исботлаб берди. Шундан кейин ҳар бир машинист ёнилғи сарфиёти устидан кўз-қулоқ бўлиб турадиган бўлди. Тежалган граммлар кейинчалик тонналарни ташкил этди. Ўтган беш йиллик давомида Йўлдош Муслимов бошлиқ вахта аъзолари 25 минг сўмлик ёнилғини тежаб қолишди. Ишдаги мана шундай катта муваффақиятлари учун ҳам Йўлдош Муслимов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Кейинроқ областимиз коммунистлари уни КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съездига делегат этиб сайлашди.

— Йўлдош республика коммунистлари съездидан бир олам таассурот билан қайтди,— дейди 2-қозон-трубина цехи бошлиғининг ўринбосари М. Раҳимов.— У ўша куниёқ ўз ҳамкасбларига съезднинг руҳи, қўйилган янги вазифалар ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди. Энергетиклар эътиборини ишлаб чиқаришдаги мавжуд резервларга қаратди. Дарҳақиқат ҳосил қилинаётган энергия таннархини арзонлаштиришнинг бой имкониятлари бор. Бунинг учун ўзимиз сарф қилаётган нурни ҳам маълум даражада тежаш керак. Ҳозир тежамкорлик юзасидан мусобақа яна ҳам кенг қулоч ёйган.

Делегат станцияда меҳнат қилаётган ўрта бўғин кадрлари масъулиятини ошириш, партиявий топшириқларга муносабат юзасидан кўпгина қимматли фикрларни айтди. Йўлдош станция партия комитетининг аъзоси сифатида социал масалаларни ҳал қилишга бош-қош бўляпти. Унинг ташаббуси билан профилакторий иши яхшиланди, маиший хизмат шахобчалари кенгайди, савдо маданияти ошди. Ўзи бажараётган жамоат ишлари ҳақида вақти-вақти билан партия комитети мажлисларида ҳисоб бериб бормоқда. Бундай ҳисоботлар топширилган иш учун коммунистлар масъулиятини оширишга ёрдам беришини яхши билади. Шу боисдан ҳам унинг таклифи билан ҳар бир партком мажлисида маълум соҳага раҳбарлик қилаётган коммунистлар ҳисоботини тинглаш йўлга қўйилди.

— Йўлдош техника тараққиётини жадаллаштириш, ёшларнинг ижодий активлигини ошириш устида ҳам қайғуради,— деди цех бошлиғи З. Султонхўжаев.— Ўтган йилларда технология режими устидан назоратни кучайтиришга, ёнилғидан тежаб фойдаланишга қаратилган 4 та муҳим таклифни ўртага ташлади. Уларни жорий этишдан 7 минг сўмлик иқтисодий самара кўрдик. Ҳозир цехимизда ёш рационализаторлар ҳаракати вужудга келган. Ёшларга Йўлдошнинг ўзи бош-қош.

Катта машинистнинг тажрибасидан ҳамма ёшлар баҳраманд. У ўз устида тинмай ишлайди, одамлар қалбига йўл излайди. Актив агитатор сифатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, арзон энергия ҳосил қилишда ҳар бир энергетик ташаббускорлигини оширишга ҳаракат қилади. Қудратли агрегатлар бошида турган одамлар ўз вазифасини сидқидилдан бажармаса умумий юксалишга эришиб бўлмайди. Шунинг учун Йўлдош инсон омили ролини ошириш ҳозирги кунда энг муҳим вазифа деб билмоқда.

**Б. ПЎЛАТОВ.**

*ШАНБАЛИК ТЎЛҚИНИДА*

## ҲАМ СУРЪАТ, ҲАМ СИФАТ

КПСС XXVII съезди шарафига ўтадиган Коммунистик шанбаликка тайёргарлик ҳал қилувчи паллага кирди. Саноат корхоналари , қурилишларнинг коллективлари ҳозирги вақтда ўз куч-ғайратларини меҳнат байрамини маҳсулот ишлаб чиқаришда юксак суръат ва сифатга эришишга йўналтирмоқдалар. Шаҳарлар ва посёлкалар, корхоналар, муассасалар, ўқув юртларининг территорияларини ободонлаштириш бўйича ҳам катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжаликлар раҳбарлари ўзларининг бутун ташкилотчилик, тарбиявий ишларини коллективларнинг шанбаликда юксак унум билан ишлашларигагина эмас, шу билан бирга ундан кейинги кунларда мамлакатимиз коммунистларининг қутлуғ анжуманини меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олишларини таъминлашга қаратмоқдалар.

Область шанбалик ўтказувчи штабининг область партия комитетининг секретари В. Г. Гордиенко раислигида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Олмалиқ рўзғор химияси заводи, «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон металлургия заводи коллективларининг коммунистик шанбаликка тайёргарлиги масаласи кўриб чиқилди. Олмалиқ рўзғор химияси заводи директори З. Т. Тожиев, «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери. Х. А. Асатов, Ўзбекистон металлургия заводи партия комитетининг секретари У. Т. Тўрақуловлар шу ҳақда ахборот бердилар.

Мажлисда шу нарса таъкидландики, партия ташкилотлари меҳнат байрамини ўтказишга фаол тайёргарлик кўрмоқдалар, коллективларни зарбдор меҳнат қилишга йўналтирмоқдалар. Шу куни тежаб қолинган хом ашё, материаллар, ёқилғи ҳисобига ишлаш билан бирга маҳсулот ишлаб чиқаришда юксак суръатларга алоҳида эришиш ва унинг сифатини яхшилашга ҳам эътибор берадилар.

## ТИНЧЛИК ВА БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Тошкент районидаги қишлоқ хўжалик машиналарини комплектлаш марказий базаси коллективи 15 февраль куни ўтказиладиган шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шанбалик куни базанинг 60 нафар ишчи-хизматчиси қатнашади. Улар шу куни кўплаб қишлоқ хўжалик машиналарини турли ташкилотларга жўнатишади. Корхона атрофига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Ўша куни тушган маблағдан бир қисми тинчлик фондига берилади.

**Т. ЖЎРАЕВ.**

* * *

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли ўқув комбинати ишчи-хизматчилари ва талабалари ҳам шанбаликка ҳозирлик кўрмоқдалар.

Шу куни дарсдан сўнг «Новий путь» кўчасидаги ариқлар тозаланиб, комбинат территориясидаги деворлар оқланади. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш учун чуқурлар қазилади. Иш ҳақининг ҳаммаси беш йиллик фондига топширилади.

**И. РУСТАМОВ.**

* * *

«ТОШКЕНТ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари москвалик илғор саноат корхоналари коллективларининг КПСС XXVII съезди шарафига Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ҳаракатига якдиллик билан қўшилган эдилар. Эндиликда ҳамма ишлар аниқланди. Ишчи-хизматчилардан 1550 киши шанбаликда қатнашади. Улардан 1230 нафар киши бевосита ишлаб чиқаришда иштирок этади. Меҳнат байрами куни 37 та комплект «Чародейка», 61 та «Утро», 4 та «Юбилейний» набори каби жами 128 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб топилган маблағдан 5100 сўми беш йиллик фондига ўтказилади. Иқтисод қилинган хом ашё ҳисобига 2000 сўмлик маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилди.

**А. ҲАКИМОВ.**

* * *

«Коммунизм» колхози меҳнаткашлари мамлакатимиз илғор ишлаб чиқариш коллективларининг КПСС XXVII съезди шарафига ўтказиладиган умумхалқ ҳашарига қўшилиб, юксак меҳнат марраларини белгиладилар.

Шанбалик куни барча колхозчилар ўз иш жойларида меҳнат қилишади. Шу куни 320 киши ариқ-зовурларни тозалашда иштирок этади. 30 киши ремонт ишларида, 25 киши гараж атрофини тозалашда, 35 киши эса фермада банд бўлади. Хўжалик бўйича жами 337 киши шанбаликда қатнашиб, шу куни ишлаб топилган 1117 сўм маблағ ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади. Оққўрғон районидаги бу хўжаликда шанбалик куни зарбдорчасига меҳнат қилиб, белгиланган нормани 1,5—2 ҳиссадан адо этиш мўлжалланмоқда.

**М. МИРКАМОЛОВА.**

## ҲУШЁРЛИК—ТУРМУШ НОРМАСИ

Алкоголизмга қарши курашни кучайтиришга бағишлаб 8 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган республика семинар-кенгашида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш, санитария маорифи ходимлари, Қизил ярим ой жамияти активларининг вазифалари муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида касаллик илк формаларининг олдини олиш ва бунинг учун эҳтиёт чораларини кўриш масалалари, аҳоли орасида алкоголизмга қарши пропагандани тубдан яхшилаш йўллари диққат марказида бўлди.

— Коммунистик ахлоқ ва одоб принципларига қатъий риоя этиш зарарли одатлар ва сарқитларни, аввало спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш каби ярорқсиз ҳодисаларни тугатиш билан боғлиқдир, — деди Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлигининг бош наркологи, медицина фанлари кандидати Р. Р. Шокиралиев. — Шу муносабат билан даволаш-профилактика муассасаларининг иши кучайтирилмоқда, аҳолининг ҳамма қатламларини, шу жумладан ёшларни ҳушёрлик руҳида тарбиялаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Наркология диспансерларида ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши кураш тадбирларини тушунтирувчи кабинетлар очилди, кўпгина корхоналарда ҳушёрликни тарғиб қилувчи бурчаклар, стендлар ташкил қилинди. Бу тадбир — ишлаб чиқариш травматизмини камайтиришга, йўл-транспорт ҳодисаларини қисқартиришга имкон берди: Тошкент тўқимачилик комбинатидаги наркология постининг, «Ташсельмаш» заводи ҳузуридаги кабинетнинг иш тажрибаси диққатга сазовордир.

Шу билан бирга семинарда бу иш ҳали ҳамма жойда ҳам етарли равишда актив ва таъсирчан олиб борилмаётганлиги уқтириб ўтилди. Пропаганда, тарбия, даволаш профилактикаси воситаларининг ҳаммаси ҳаракатга келтирилиб, комплекс, мунтазам иш олиб борилган тақдирдагина кўпроқ наф олинаётганлиги таъкидланди. Бу ишда ҳушёрлик учун кураш республика кўнгилли жамияти катта роль ўйнайди.

Семинар қатнашчилари ҳушёр турмуш тарзини қарор топтиришда фаол қатнашаётган бир қанча медицина ва жамоат ташкилотларининг фаолияти билан танишдилар.

**(ЎзТАГ мухбири).**

*ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА*

## ВАЪДА КЎП, СУТ КАМ

БЎСТОНЛИҚ районидаги «Чорвоқ» совхози чорвадорлари ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳам давлатга сут сотиш йиллик планини бажара олмадилар. Бу борада топшириқ бор-йўғи 68,5 процентда қолиб кетди. Хўжалик раҳбарларидан бунинг сабабини сўрасангиз турли баҳоналарни рўкач қилишди. Хўш, аслида бундай қолоқликка қандай қилиб йўл қўйилди?

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, совхозда энг масъулиятли палла — чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрилмади. 1984—1985 йилларда қорамоллар қишдан аранг олиб чиқилди. Аслида сигирлардан сут соғиб олиш ўша даврдаёқ кескин пасайиб кетган эди. Албатта, баҳор ва ёз давомида бой берилган имкониятни тиклаш учун ҳаракат қилинди. Лекин қишловдан «қоқ суяк» бўлиб чиққан сигирлар ҳадеганда ўнгланмади. Ана-мана дегунча куз тушиб, кунлар совий бошлади. Сигирларни ўзига келтириш билан овора бўлган чорвадорлар яна қишловни унутишди. Озуқа жамғариш планлари бажарилмади. Асосий емиш ҳисобланган беда пичани тайёрлаш ўлда-жўлда қолиб кетди. Бу ўз таъсирини кўрсатмай қолмади албатта. Озуқани тежаш мақсадида жониворларга нормадаги 12—13 озуқа бирлиги ўрнига 8—9 озуқа бирлиги миқдорида ем-хашак берилмоқда. Қорамолларга едирилаётган озуқаларнинг сифати ҳам талабга жавоб бермайди. Бу ўз-ўзидан сигирлар маҳсулдорлигининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлди. Айни кунларда ҳар бош соғин сигирдан 3—3,2 килограммдан сут соғиб олинмоқда, холос.

Бу ҳам майли-я, совхозда мавжуд 321 бош соғин сигирнинг атиги 180 таси соғилаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Бу 56 процент сигир сут беряпти, деган сўздир.

— Билмадим, нега шундай бўляпти,— дейди совхоз бош зоотехниги Эргаш Абдусамадов.— Барча имкониятларни ишга соляпмиз. Лекин аҳвол ўзгармаяпти...

Мана, сизга хўжалик бош мутахассисининг жавоби. Наҳотки у фақат сўз билан сутни кўпайтириб бўлмаслигини билмаса?! Акс ҳолда чорвачиликнинг мана шундай аҳволга тушиб қолгунича бемалол юрмаган бўлардиди. Совхозда 1986 йилда ҳам сут тайёрлаш планининг бажарилиши барбод бўлиши мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Биринчи кварталда давлатга 84 тонна сут сотилиши лозим. 3 февралгача бўлган маълумотда бор-йўғи 14 тонна сут етиштирилганлиги кўрсатилган. Бу аҳволда топшириқ қандай удаланади?!

Ҳали олдинда қишловнинг энг масъулиятли кунлари турибди. Шундай экан, «Чорвоқ» совхози раҳбарлари ва мутахассислари аҳволни тезда яхшилаш учун барча чора-тадбирларни кўришлари зарур.

**А. ИБРОҲИМОВ.**

## БАҲОНА ЭМАС, ИМКОНИЯТ ҚИДИРИНГ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Ленин номли колхозда ўтган йили ва умуман ўн биринчи беш йилликда давлатга сут топшириш плани бажарилмай қолиб кетди. Бироқ, хўжаликда тармоқдаги аҳволни яхшилаш, янги йилда сут етиштиришни кўпайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамон қониқарсиз. Масалан, январь ойида пландаги 76 ўрнига 43 тоннагина сут сотилди, холос. Нега бундай аҳвол рўй бермоқда?

Колхозда жами 301 бош сигир мавжуд. Шуларнинг 250 таси соғин сигирлардир. Айни кунларда ҳар бир сигирдан ўртача соғиб олинаётган сут миқдори 6,8—7 килограммданга тўғри келмоқда. Бу — кам, албатта. Чунки моллар тўлиқ рацион асосида боқилмаяпти.

— Хўжаликда қишлов учун етарли ва тўйимли озуқа жамғарилмаган, — дейди район агросаноат бирлашмасининг бош зоотехниги П. Ли. — Бунинг устига озуқа цехи қувватидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Январь ойида у жуда ёмон ишлади. Шунинг учун ҳам молларга берилаётган ем-хашакнинг бир қисми нишхўрдга чиқиб кетмоқда.

— Биз ўз ишимизни Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаблари асосида бутунлай қайта қуришга ҳаракат қилмоқдамиз, — деди колхоз партия комитетининг секретари И. Алимов. — Эндиликда озуқа цехи ишини бирмунча яхшилашга эришдик. Кунига силос,сенаж ва сомон аралаштирилиб, 5—6 тонна ширали емиш тайёрланаяпти. Лекин концентрат озуқа вақтида етказиб берилмаяпти. Ахир қуруқ хашак билан...

Партком секретари чорвачиликдаги ёмон аҳвол ҳақида гапириб, маҳсулдор сигирларнинг кўпчилик қисми касалга чалинганини, бунинг оқибатида эса улар мажбуран гўштга сўйиб юборилганлигини, давлатга 993 тонна сут, 80 тонна гўшт топшириш юзасидан белгиланган бу йилги план реал эмаслигини, уни қайтадан кўриб чиқиш зарурлигини ҳам баҳона қилди. Бизнингча, баҳона эмас, имконият қидириш, мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш, қишловнинг ҳар кунини самарали ўтиши учун қолган озуқадан тежамли фойдаланиш керак.

**Қ. КАРИМОВ.**

**ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР КОМПАРТИЯЛАРИНИНГ СЪЕЗДЛАРИДА**

### Украина

КИЕВ, 8 февраль. (ТАСС). Украина Компартиясининг XXVII съезди талабчанлик, бажарилган ишга принципиал ва объектив баҳо бериш вазиятида, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми талаблари руҳида ўтди. Бугун съезд ўз ишини тамомлади. Делегатлар мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг КПСС съездолди ҳужжатларида белгиланган жадаллаштириш йўлини уч миллиондан кўпроқ аъзоси бўлган республика партия ташкилоти номидан якдиллик билан маъқулладилар, ана шу йўлни амалга ошириш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ҳамма ишни қилишга азму қарор берганликларини билдирдилар.

Экономикани интенсивлаш вазифаларига, саноатнинг базавий тармоқлари, шунингдек транспорт ишига, капитал қурилиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди.

Съезд ташкилий-партиявий ва идеология, сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш вазифаларини ҳозирги талаблардан келиб чиқиб ишчанлик билан муҳокама қилди. Делегатлар партия раҳбарлигининг услуб ва методларини яна ҳам қатъият билан такомиллаштириш, ҳамма жойда ишчанлик ва ижодкорлик вазиятини қарор топтириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни яхшилаш, уларнинг ташаббуси ва активлигини авж олдириш, топширилган иш учун масъулиятини ошириш зарурлиги тўғрисида Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида баён этилган хулосаларни қўллаб-қувватладилар.

Съездда Украина Компартиясининг раҳбар органлари сайланди.

Республика Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. В. В. Шчербицкий Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

**(ТАСС).**

### Қозоғистон

ОЛМАОТА, 8 февраль. (ТАСС). Қозоғистон Компартиясининг 8 февраль куни ўз ишини тамомлаган XVI съезди меҳнат коллективларини фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, тежамкорлик режимини ва иқтисод қилишни кучайтиришга, ижодий ташаббускорликни авж олдиришга йўналтирди.

Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисида» доклад қилди.

Съезд бажарилган ишларга амалий танқид позицияларида туриб баҳо бериб, партия олға сурган жорий ва истиқболдаги вазифаларни амалга ошириш кенг программасини ишлаб чиқди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширишга эришиш муҳимдир, деб таъкидлашди делегатлар. Бунинг учун Марказий Комитет бўлимлари, барча партия комитетлари «Интенсивлаш-90» программаси қандай амалга оширилаётганлиги устидан контролни сабот билан кучайтиришлари зарур.

Агросаноат комплексининг меҳнаткашлари янги, яна ҳам юксакроқ самарадорлик даражасига кўтарилишлари керак. Интенсив технологиялар асосида дон етиштириш устунлик касб этади. Бу — республика деҳқонлари олдига қўйилган 1990 йилгача дон етиштиришни 30—31 миллион тоннага етказишдан иборат мақсадга эришишнинг бош йўлидир.

Съезд Қозоғистон Компартиясининг раҳбар органларини сайлади.

Республика Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Д. А. Кунаев Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

**(ТАСС).**

## ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

ТОШКЕНТ область ижроия комитетида халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари секретарларининг инструктив кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда партиянинг съездолди программ ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифалар, ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари фаолиятини бугунги кун талаблари асосида янада такомиллаштириш йўллари муҳокама этилди.

Кенгашда ижроия комитетлар томонидан қабул қилинаётган қарорларни назорат қилиш ва амалга ошириш, гражданларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш, уларни қабул қилишни уюштиришни яхшилаш, ижроия комитетлар ва доимий комиссияларнинг сессия ҳамда мажлисларини ўтказишни такомиллаштириш, депутатларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш, шунингдек Советлар ҳаётига тааллуқли бошқа бир қатор муҳим масалалар юзасидан конкрет тавсиялар баён этилди.

*Ҳар соҳада тежамкор бўлайлик*

## ҲАММАСИ ҲИСОБДА

ТОШКЕНТ тепловоз депоси коллективи зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажармоқда. Бунга кўп жиҳатдан машинистлар маҳоратини ошириш, илғор иш усулларини қўллаш ҳамда социалистик мусобақани пухта ташкил этиш ҳисобига эришилмоқда. Меҳнат беллашуви иштирокчилари унумли ва тежамли ишлашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ўтган йилнинг 15 декабридан бошлаб ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига ишлай бошлаган тепловозчилар коллективи янги йилда ҳам меҳнат маромини сусайтиришмаяпти. Улар қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, дизель ёнилғисини тежашга алоҳида эътибор беришяпти.

Айниқса, учта секцияли қудратли тепловозларни бошқараётган Ҳусан Ўрозбоев, Николай Павлов, Фарҳод Рўзиқулов, Ризвон Роман сингари машинистлар бу соҳада кўпчиликка намуна бўлишяпти. Улар оғир юкли поездларда қўшимча кўплаб саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материалларини ташиб беришмоқда.

Тажрибали машинистлар ёнилғининг ҳар бир литрини ҳам исроф бўлмаслигига эришмоқдалар. Йўл профилини яхши билиш, тепловозларни доим техник жиҳатдан соз ҳолда сақлаш шунга олиб келмоқда.

**У. МУҲАМЕДОВ.**

